



# Ўзбекистонда сув ресурслари ва улардан фойдаланиш



# Орол денгизи хавзасидаги мавжуд сув ресурслари ва уларнинг тақсимоти

**Амударё** марказий осиедаги энг йирик дарё ҳисобланади. унинг узунлиги панж дарёсидан бошлаб **2540 км**, ҳавзасининг майдони **309 минг кв метрни** ташкил этади.

**Сирдарё** иккинчи йирик дарё ва марказий осиедаги энг узун дарё ҳисобланади. Сирдарё Норин дарёсидан бошланиб, узунлиги **3019 км**, ҳавзасининг майдони **219 минг кв. метрни** ташкил этади. Асосий оқим Қирғиз Республикасида ҳосил бўлиб, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларини кесиб ўтади ҳамда Қозоғистон ҳудуди орқали Орол денгизига қуйилади.






## Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида мавжуд сув ресурслари ва унинг давлатлар ўртасида тақсимланиши

Давлатлар	Жами	Шу жумладан	
		Сирдарё	Амударё
Ўзбекистон	56,19	17,28	38,91
Қирғизистон	4,41	4,03	0,38
Қозоғистон	12,29	12,29	
Тожикистон	12,34	2,46	9,88
Туркманистон	21,73		21,73
Афғонистон	7,44		7,44
Жами	114,4	36,06	78,34


# Ўзбекистон аҳолиси ва сувдан фойдаланиш динамикаси




Ўзбекистонда  
аҳоли сони  
(млн. киши)



Ўзбекистонда  
олинган сув  
(млрд. м3)



Ўзбекистонда аҳоли жон  
бошига олинган сув  
(м3)



# Иқтисодиёт соҳалари бўйича сувнинг ишлатилиши



Қишлоқ хўжалиги – 38,7 млрд. м<sup>3</sup> (88 %)


Коммунал хўжалиги – 2,33 млрд. м<sup>3</sup> (5,4 %)

Энергетика – 0,24 млрд. м<sup>3</sup> (0,7 %)

Саноат – 0,92 млрд. м<sup>3</sup> (2,3 %)

Балиқчилик – 0,84 млрд. м<sup>3</sup> 2,1 %

Бошқалар – 0,6 млрд. м<sup>3</sup> (1,5 %)



**2021-2022 гидрологик йилда суғориш ва саноат тармоқларига етказиб берилган сув ҳамда ушбу сув билан суғорилган майдон**

Hududlar	2021-2022 gidrologik yil uchun suv olish limiti (mln.m3)	Amalda olingan suv (mln.m3)	Farqi	Foiz	shundan		FIK	Dalagacha yetkazib berilgan suv (mln. m3)
					Sug'orish	Sanoat, kommunal xo'jaligi va boshqalar		
Қорақалпоғистон Республикаси	5329,9	6341,3	1011,4	119	6035,0	306,3	0,57	3613,3
Андижон	2494,7	2466,7	-28,0	99	2065,0	401,7	0,66	1628,0
Бухоро	3431,8	3623,6	191,8	106	3458,0	165,6	0,60	2175,0
Жиззах	2529,1	2644,8	115,7	105	2518,0	126,8	0,67	1778,1
Қашқадарё	4924,7	4563,7	-361,0	93	4170,0	393,7	0,67	3066,8
Навоний	2254,1	1490	-764,1	66	1168,0	322,0	0,62	923,6
Наманган	2413,6	2512,9	99,3	104	2254,0	258,9	0,60	1506,8
Самарқанд	2887,3	2758,8	-128,5	96	2604,0	154,8	0,65	1796,0
Сурхондарё	3303,6	3329,9	26,3	101	3173,0	156,9	0,66	2197,7
Сирдарё	2272,2	2465,9	193,7	109	2300,0	165,9	0,68	1677,8
Тошкент	4500,9	4673,7	172,8	104	2907,0	1766,7	0,66	3103,3
Фарғона	3465	3584,7	119,7	103	3003,0	581,7	0,64	2293,8
Хоразм	3489,6	3185,8	-303,8	91	3050,0	135,8	0,62	1975,2
<b>Jami</b>	<b>43296,5</b>	<b>43641,8</b>	<b>345,3</b>	<b>101</b>	<b>38705,0</b>	<b>4936,8</b>	<b>0,64</b>	<b>27735,4</b>



## Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби



### Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар

- **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1993 й.);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сувдан фойдаланиш тартиби тўғрисида”**ги Низом;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги **“Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги 255-сон қарори

## Сувдан фойдаланиш режасини тузишдан мақсад -



Қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабини, яъни суғориш меъёрлари, суғориш муддатлари ва давомийлигини аниқлашдан иборатдир.

Сувдан фойдаланиш режасини тузишда сувдан фойдаланувчиларнинг экин турлари, суғориш режими ва каналларнинг фойдали иш коэффициенти асосида экинларнинг сувга бўлган талаб меъёрлари аниқланади.



## Сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун зарурий маълумотлар тўплами



1. Сувдан фойдаланувчининг суғориладиган майдонлари харитаси (1:10000 ёки 1:25000 масштабда)
2. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими
3. Суғориш тармоқларининг техник характеристикаси
4. Қишлоқ хўжалик экинларини гидромодуль районлар буйича сув манбаларига боғланиш жадвали.

# Сув олиш лимитларини белгилаш тартиби

М К В К

- Амударё ва Сирдарёдан давлатларга

Сув хўжалиги  
вазирлиги

- Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, йирик ва алоҳида муҳим сув, энергетика ва коммунал-маиший объектлардан фойдаланувчи алоҳида корхоналар ва ташкилотларга — манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

Ҳавза  
бошқармалари

- ирригация тизимлари бошқармаларига, туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ёки туманлараро аҳамиятга эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

Туман  
ирригация  
бўлимлари

-судан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига эга бўлган сув объектларидан манбалар, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

Сув хўжалигининг  
махсус хизмати

- фермерлар ва дехқон хўжаликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, аҳоли томорқалари ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига

### 31. Сув олиш лимитлари:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг прогнози асосида;
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари буйруқлари билан;
- ✓ Махсус хизматнинг умумий мажлиси протоколи билан — туман (Қувасой шаҳри) қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман (Қувасой шаҳри) ирригация бўлими билан келишув бўйича тасдиқланади.

30. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув олиш лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан:

- ҳар йили **15 сентябргача** бўлган муддатда – куз-қиш даври учун (1 октябрдан 31 мартгача) ҳамда **15 мартгача** — вегетация даври учун (1 апрелдан 30 сентябргача);

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан:

- ҳар йили **20 сентябргача** бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда **20 мартгача** — вегетация даври учун;

туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимлари томонидан:

- ҳар йили **25 сентябргача** бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда **25 мартгача** — вегетация даври учун;

Махсус хизмат томонидан:

- ҳар йили **1 октябргача** бўлган муддатда — куз-қиш даври учун ҳамда **1 апрелгача** — вегетация даври учун белгиланади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ